

ЎЗБЕКИСТОН

QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№9. 2015

*Бетакроримсан, ягонасан,
она Ватаним – Ўзбекистоним!*

**Азиз юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг 24 йиллик
байрами билан самимий табриклаймиз.
Эртанги кунимиз бундан-да равақ
топаверсин!**

**Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги жамоаси**



O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

(«Сельское хозяйство Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Шухрат ТИШАЕВ
Акрам АРИПОВ
Яшин ХИДИРОВ
Шавкат ҲАМРАЕВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Собиржон ЭРГАШЕВ
Тулқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Самдул АРАБОВ
Фарҳод ОМОНОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Муса АНОРБОВ
Тошгемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Рашиданбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммадjon ИБРАГИМОВ

2015 йил,
№9. Сентябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Мукофот муборак!	1
Т.ДОЛИЕВ. Шукроналик	2
Видеосеминар орқали малака ошириш	3
Байрам олди саёхат	3
Уруғлик пахта терими	5
М.ТОШБОЛТАЕВ. Пахтани машиналар билан териш	6
Р.СИДДИҚОВ. Фалла: уруғни экиш, ундириб олиш	9
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА, Ж. АГЗАМХОДЖАЕВ. Борбону соҳибкорларнинг кузги юмушлари	11
Ҳосилни қишда асраш	12
Х.АБДУЛЛАЕВА. Кулупнай ҳосилини кўпайтириш	14
Р.ҲАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Саримсоқпиезни экиш ва парвариш	15
Х.МИРЗАЕВ. Маърифат кошонаси	17
Б.ХОЛИҚОВ. Аграр илм-фанидаги ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар	18
Б.ТОШНАЗАРОВ. Чўлдаги бўстон	21
Х.КАРИМОВ. Истиқлолнинг тотли неъмат	22
Б.МУҲАММАДИЕВ. Кадрланган жойда азиздир инсон	23
Б.ТОШНАЗАР. Имконият масъулиятлидир	25
К.ЭРГАШЕВ. Тошда бўстон яратиб	26
К.ҲАЙИТОВ. Чорвачилик — элнинг оқлиги	27
Х.КАРИМОВ. Дангаранинг донгдор жамоаси	28
Э.МАКСУДОВ, Х.АМИНОВ, С.ИМИНОВА. Сифат — Ўзбек пахтаси рақобатбардошлиги гарови	29
Х.САЙДАЛИЕВ, Б.ХАЛИҚОВА, Б.МАМАРАХИМОВ. G.Tomentosum иштирокида олинган турлараро дурагайлар чигитидаги ёғ микдорининг ирсийланиши	31
З.БОБОКУЛОВ, Б.МАВЛОНОВ. Таълимда техник воситаларнинг ўрни	32
М.МУРОДОВ, О.АБДУЖАББОРОВ. Тупроқ остидаги уруғнинг ҳаёти	34
Т.МАМАТКУЛОВ, А.ХОЛДОРОВ, З.УСАРОВ, У.АБДУСАМАТОВ. Арпанинг баҳорги «Адир» нави	35
И.АБДУРАҲМОНОВА, Т.ФАЙЗУЛЛАЕВА, М.САЙДУЛЛАЕВА. Экология: муаммо ва ечим	37
К.АЗИЗОВ. Қанджўхорининг кўчат қалинлиги	38
С.БОЛТАЕВ. Ноанъанавий органоминерал компостлар	39
А.ХОЛЛИЕВ, М.ИМОМОВА. Туганак узунбурун дуккакли экинлар зараркунадаси	41
А.ШАМСИЕВ. Ғўзани сўғоришда ресурстежамкор технологиялар	42
О.ТЕМИРОВ. Иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсири	43
Й.МУҲАММАДИЕВ. Даҳбедлик отахон ибрати	44
Д.ХАЛМАТОВА. Применение современных технологий для ведения государственного земельного кадастра и формирования его баз данных	44
Бетакроримсан, ягонаmdirсан	46
Мезон кирди, ҳисобингни топ	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Маъзилми: 100004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 4-уй.
Тел/факс: 241-50-21,
241-30-92, 241-61-07,
www.qxjournal.asia
E-mail: qxjournal@qxsv.uz,
uzqx_journal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2015 йил
28 август. Босишга рухсат этилди:
2015 йил 29 август. Қозғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қозғозга чоп этилди. Шартли босма
таъбири 4,2. Нашр ҳисоб табири 5,0.
Буяртма № 188. Нухсаси 4400 дон.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Қархона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: М.ТОИРОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

Изданиш олиб борилган йилда дурагайлар ичида энг паст кўрсаткич *G.tomentosum* оналик шаклида иштирок этган F_2V_2 (*G.tomentosum* x C-6530) x C-6530 ва унинг F_2V_2 бўғинида қайд этилди. Бунда чигитдаги ёғ миқдори 15,4-17,0% ни ташкил этди. Уртача ота-она кўрсаткичидан фарқланиши эса - 6,6 ва -5,0%ни ташкил этди. Бу кўрсаткич дурагайда иштирок этаётган ёввойи тур *G.tomentosum* кўрсаткичидан ҳам пастдир.

Ушбу дурагайлар ичида кўрсаткичнинг маланий нав 433 нинг таъсирида бирмунча барқарорлашганлигини биз F_2V_2 ва $F_2V_2(433 \times G.tomentosum)$ x 433 дурагайида

учратдик. Бунда чигитдаги ёғ миқдори 19,7% ни, ота-она кўрсаткичидан фарқланиши эса ўртача 2,9-0,8%ни ташкил этди. Ушбу дурагайларнинг реципрок шаклида эса кўрсаткич 19,9-18,1%нидан иборат бўлди. Урганаётган турлараро дурагайларда ёғ миқдорининг F_2V_2 ва F_2V_2 бўғинларида кўрсаткичнинг яна ҳам пасайиб кетганлиги кузатилди. Бунда фақат истисно тарзида F_2V_2 (*G.tomentosum* x 433) x 433 дурагайини эътироф этиш мумкин. Бу дурагайда кўрсаткич 21,5%ни, ўртача ота-она кўрсаткичига нисбатан фарқланиш +1,0%ни ташкил этди. Қолган дурагайларда умумий кўрсаткичлар 13,4% дан 21,5% гача оралиқда бўлди.

Таҳлиллар асосида шундай хулоса қилиш мумкин: ёввойи полиплоид *G.tomentosum* иштирокида олинган турлараро дурагайлар чигитида ёғ миқдори ёввойи турнинг тўла устуңлиги таъсирида бўлиб, кўрсаткичнинг барқарорлашуви фақат юқори бўғинлардаги қайта чатиштиришлар натижасидагина шаклланади.

Х.САЙДАЛИЕВ,
профессор, к/х ф.д.,
ПСУЕАНТИ

Б.ХАЛИҚОВА,
к.а.х., к/х ф.и.

Б.МАМАРАҲИМОВ,
Ўзга уруғчилик республика маркази
бўлим бошқиси.

УЎТ: 631.51

Таҳлил ва таълим

ТАЪЛИМДА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ

Ҳозирги пайтда таълим-тарбия тизимида ўқитувчининг таҳсил олувчилар билан жонли мулоқот ва муносабати муҳим аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, у ягона ахборот манбаи бўла олмаслиги ҳаётий ҳақиқат. Шунинг учун ҳам, таълим-тарбия ишини осонлаштирадиган ва самарадорлигини оширадиган омиллардан кенг фойдаланилади. Ана шундай омиллардан бири ўқитишнинг техник воситаларидир.

Ўқитишнинг техник воситалари деганда таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолиятини таъминлаб, унинг самарадорлигини оширишни, таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган қурilmалар тизими тушунилади.

«Суратни синфга олиб кирсанг, соқов ҳам тилга киради» ибораси бежиз айтилмаган. Қишлоқ хўжалик фанлари (ўсимликшунослик, деҳқончилик, мева, сабзавотчилик, чорвачилик) дарсларини ўқишда ўқитишнинг техник воситалари орқали (видеопроектор, кодоскоп) дарслар ташкил қилинади. Бу техник воситалар орқали дарс жараёнида қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларнинг тузилиши ва шакли тасвирланган расмлар, гербарийлар ва машиналарнинг макетлари, моделлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар тўғрисида ўқув кинофильмларини намойиш қилиб, дарснинг сифати ва самарадорлиги оширилади.

Қишлоқ хўжалик фанлари дарсларида ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш:

- ▶ талабаларда фанларга қизиқшни ривожлантиради;
- ▶ талабаларнинг фикрлаш қобилияти фаоллашади ва ўқув материалларини ўзлаштириш самарадорлиги ошади;
- ▶ талабаларни қишлоқ хўжали-

ги соҳасида янги материал мазмундаги айрим далилларни, янгиликларни кўриб чиқишларига ва уларни маълум далиллар, хулосалар билан таққослайди;

▶ талабаларнинг янги мавзунини ўзлаштириши ҳамда маълумотларни таҳлил этиш каби масалаларни тез бажариши учун шароит яратди.

Қишлоқ хўжалиги дарсларида ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш ўрганилаётган фаннинг ёки предметнинг онгда тўлиқроқ шаклда ифодаланишига ёрдам беради ва қисқа вақт ичида юқори самарадорликка эришилади. Техник воситаларнинг яна бир муҳим томони шундаки, ўқувчини сезги органлари орқали билишга ўргатишдир. Урганилаётган предметни системалаштириш ёки моделлаштириш орқали ўқувчиларда билим ва кўникмаларни тез ва онгли равишда ҳосил бўлишига ёрдам беради. Мултимедиа электрон ўқув қўлланмада ўқув материалининг мултимедиа, гипермент, овоз, электрон доска шаклларида фойдаланган ҳолда тақдим этилиши ўқувчиларга берилаётган ўқув материалини чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш, дарс мавзуси бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бу орқали талабаларнинг фикрлаш фаолияти шаклланиши,

уларнинг шахсида қизиқувчанлик, ўткир зеҳнлилик, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижодга интилиш каби фазилатларини намоён қилади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда техник воситаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш қуйидаги натижаларни беради:

- ▶ аъъанавий ўқитишга нисбатан ўқув жараёнининг самарадорлиги (ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси) ошади;
- ▶ дарс ўқиш учун сарфланаётган вақт тежаллади (қисқаради);
- ▶ дарс учун белгиланган материалларни такрор ўқиш, кўриш, мулоҳаза юритиш имкониятлари кўпаяди;
- ▶ педагог ходимларнинг дарс ўқиш жараёни енгиллашади;
- ▶ ўқувчиларни ўқув жараёнига бўлган қизиқиши ортади ва билимларига (кўчларига) бўлган ишонч мустаҳкамланиб боради;
- ▶ ўқувчиларни бир хил шароитда таълим олиши ва уларнинг билимини объектив баҳолаш имконияти яратилади;
- ▶ ўқитилаётган фан бўйича ўзлаштириш даражаси юқори бўлади.

З.БОБОҚУЛОВ,

Б.МАВЛОНОВ,

Самарқанд қишлоқ хўжалиги
институтини.